

Ўша йили киш ниҳоятда каттик келиб, узок чўзилган, шу боис биздаги жуда гўзал Шварцвальд дарёси бир неча ҳафтадан буён каттик музлаб ётарди. Мен ўша галати, ўзим ҳам хаддан зиёд койил колган туйгуни ҳамон унутолмайман. Ўшанда қахратон совукнинг илк куни эди, эрталабданок дарёга отландим. У шунақанги чуқур, муз эса шундай тиник эмиш, худди юпка ойнанинг ўзи, ундан ям-яшил сув, тошли кумлоқлар, галати тарзда кумга сингиб кетган сувўтлар кўриниб турар, ахён-ахёнда эса баликнинг қорамтир танаси кўзга чалиниб қоларди.

Ўртоқларим билан муз устида юзларимиз кизариб, қўлларимиз кўкариб, ярим қунлаб яхмалақ отардик, шиддатли ва бир маромдаги ҳаракатларимиздан юракларимиз тўлиб-тошиб, болалиқ даврининг бегам-бепарво, ажойиб ва лаззатли онларидан қувват оларди. Биз бир-бирларимиз билан кимўзарга, узокка ва баландликка сакраш бўйича беллашар, қувлашмачок ўйнардик. Орамизда хали ҳам эски урфдаги оёкка боғланадиган қонькида учаётган бола бўлса, у дурустгина яхмалақ отувчи ҳисобланарди. Бирок биттамызда, фабрикантининг ўғлида “Halifax” русумли қоньки бўлиб, у ип ёки тасмасиз ҳам маҳкамланаверар, уни кўз очиб юмгунча боғлаш ва ечиш мумкин эди. Ўшандан буён кўп йиллар мобайнида “Halifax” сўзи менинг мавлуд байрамига совгалар рўйхатида сакланиб қолган бўлса-да, бироқ унинг ўзи насиб этмаган; орадан ўн икки йил ўтгач, бир куни қонькининг энг зўридан бир жуфт харид қилай деб, дўқондан “Halifax”ни сўраганимда, у ердагилар қулимсираб мени “Halifax” энди эскириб, анчадан буён яхши қоньки бўлмай қолганига ишонтиришди. Дилим ранжиб, энг юксак орзум ҳамда болаларча эътимодимнинг бир парчасидан мосуво бўлган эдим. Муз устида кўпинча бир ўзим учишни ёқтирар, баъзан хатто тун пардаси ёйилгунга қадар ҳам қолиб кетардим. Мен елдек учиш бораётиб, хоҳлаган нуқтада тўхташ ёки қайрилиб олишнинг машини олган, шу аснода чиройли доира ясаб мувозанатимни саклаб учишдан олам-олам завқ олардим. Кўпчилик ўртоқларим муз устидаги вақтларини кизлар кетидан югуриб, уларнинг қўнглини олишга сарфлашарди. Менда эса кизлар деган гап йўқ эди. Бошқалар кизларга хушомад қилиб, атрофида гирдиқапалақ бўлган ёки улар билан жуфт-жуфт бўлиб қоньки учаётган пайтларда мен бир ўзим сирпаниб эркинлик ҳавосидан баҳраманд бўлардим.

Кизларга ишқибоз болаларга фақат раҳмим келар ёки улар устидан қулардим, холос, чунки баъзи бир дўстларимнинг гапларидан уларнинг ишқий саргузаштлари аслида нақадар дудмал ва шубҳали эканлигини билиб олиш қийин эмас эди.

Ўшанда киш охишлаб қолган пайт эди, бир куни мактабда янгилик қулогимга чалиниб қолди. Эмишқий, Нордкафер яқинда Эмма Майерни қоньқисини учаётганда яна ўпиб олганмиш. Бу хабарни эшитиб, қоним қайнаб кетди. Ўпиб олганмиш! Одатда кизлар билан юришнинг энг зўр қайф-сафоси сифатида макталган қуруқ, бемаза суҳбатлар ҳамда журъатсиз қўл бериб қўришишларга қараганда бу, албатта, бошқа нарса эди. Ўпиб олганмиш-а! Бу олдиндан маълум, журъатсиз ўзга бир оламдан қелган садо бўлиб, унда мамнуъ неъматларнинг хуш бўйи, аллақандай шоирона, ақл бовар қилмас бир нарса мужассам эдики, у ўша барчамиз билсак ҳам индамай юрган, мактабдан қувилган кизларга ишқибоз собиқ ўқувчи болаларнинг эртақнамо ишқий саргузаштларида ўз ифодасини топган ўша қучмал ва мафтунқор маъвога мансуб эди. “Нордкафер” асли гамбурглик ўн тўрт ёшли ўқувчи эди, бизга қандай келиб қолганини худо билади. Уни ниҳоятда хурмат қилардим, унинг мактабдан ташқаридаги зўр обрўси қечалари менга

уйку бермасди. Эмма Майер эса, шубхасиз, Герберсаудаги энг дўндик ўқувчи киз бўлиб, малларанг, ўзига етганча магрур бўлиб, ёши мен билан баравар эди.

Ўша кундан оромимни йўқотиб, ўзимча режа туза бошладим. Киз болани ўпиш, бу – ўз-ўзидан менинг хозиргача мавжуд барча юксак орзуларимдан ҳам ошиб тушарди, колаверса, бундай хатти-харакат беодоблик саналиб, шубхасиз, мактаб хақидаги конун томонидан ҳам тақиқланган эди. Яхмалак вақтида кизларга илтифот килиб, мархамат кўрсатиш бунинг учун бирдан-бир кулай имконият эканлиги менга тез орада аён бўлди. Энг аввало, афт-ангоримни иложи борича жозибага мойил, хушомадгўй бўлишга харакат қилдим. Соч тарашга вақт ажратиб, кийимларимнинг тозалигига алоҳида эътибор бера бошладим, мўйна телпагимни одоб юзасидан пешонамга бир оз тушириб оладиган бўлдим ва сингилларимдан пуштиранг ипак бўйинбоғни ялиниб-ёлвориб, сўраб олдим. Муз устида учаётган пайтларимда йўл-йўлакай мўлжалимга тўгри келадиган кизларга хушмуомалалик билан салом бера бошладим, бирданига бундай муомала аввалига уларни ажаблантирган бўлса-да, айна пайтда уларда хайрихоҳлик уйғотаётгани ҳам сезилиб турарди.

Илк танишув камина учун хийла кийин бўлди, чунки мен хали хаётимда биронта кизни “таклиф килиб” кўрмагандим. Аввалига дўстларимнинг мана шунақанги жиддий маросимлар чоғида ўзларини кандай тутишларини сездирмай кузатишга уриниб кўрдим. Уларнинг баъзилари факат мулозамат юзасидан таъзим килиб, қўл узатсалар, бошқалари тутилиб қолиб, алланималарни гулдирашар, айримлари эса куйидагича ажойиб иборалардан фойдаланишарди: “Мархаматингизни биздан дариг тутманг?” Мана шу жумла менга ёкиб қолди, уйга келиб, хонамдаги печка олдида қўл ковуштир-ганимча, ушбу тантанавор сўзларни кандай айтишни машқ қила бошладим. Кийин илк кадамни кўядиган кун ҳам етиб келди. Куни кеча ишга киришишни ўйлаган, бироқ иккиланиб, журъат қилолмасдан қайтиб келгандим. Бугун эса ўзим шу қадар кутган ва хайиккан ишни албатта амалга ошираман деб, собиткадам турардим. Юрагим пўкиллаб, худди жинойатчидек рухим тушиб, маъюс бир алпозда яхмалакка бордим, ишонсангиз, конькини қадаётган қўлларим “калт-калт” титрарди. Сўнг доирани кенг олдим-да, афт-ангоримда одатдаги хотиржамлик ва табиийликни саклашга харакат килиб, кўпчиликка кўшилиб кетдим. Бутун бошли яхмалакни катта тезлик билан икки марта айланиб чиқдим, кескин харакат ва совук хаводан бўлса керак кайфиятим кўтарилди.

Бир вақт шундок кўприк остида кимдир каттик урилиб, бир ёнга сирғалиб кетдим. Карасам муз устида гўзал Эмма ўтирар, афтидан, огрикнинг зўридан тишини тишига босганча менга таънали караб турарди. Кўз олдимда дунё чир айланиб кетди.

– Мени тургазиб қўйсанглар-чи! – кичкирди у дугоналарига карата.

Мен хижолатдан кип-кизариб кетгандим, аста телпагимни ечдим-да, унинг ёнига чўк тушиб, ўрнидан туришига ёрдамлашдим.

Бизлар энди икковимиз ҳам нима қилишни билмасдан, журъатсиз бир тарзда рўбарў турар, тилимиз калимага келмасди. Кизнинг эғнидаги мўйна пўстин, унинг чиройли чехраси ҳамда сочларидаги кандайдир хушбўй хиддан бошим айланиб кетди. Ундан узр сўраш эсимга тушса ҳам бунга журъат қилолмай, телпагимни ҳамон муштумимда тутиб турардим. Шунда бехосдан кўз ўнгим коронгилашгандек бўлди, гайриихтиёрий тарзда унга чуқур таъзим килиб, гулдирадим: “Мархаматингизни биздан дариг тутманг?”

Киз ҳеч нарса демасдан, қўлларимни бармоқлари орасига олди, уларнинг хароратини қўлқопдан ҳам хис этиб турардим, сўнг биз бирга уча бошладик. Ўзимни шу дамда худди

гаройиб туш кўраётгандек хис килардим. Бахту икбол, шарм-хаё, самимият, кувонч ва хижолатлик туйгусидан нафасим бўгилай дерди.
Чорак соатдан мўлрок биз бирга айландик. Нихоят, тўхташ жойига етганимизда, у нозик кўлларини аста бўшатди-да: “Катта рахмат”, деди ва ўзи ёлғиз учиб кетди, мен эса анчадан сўнг мўйна калпогимни ечдим ва турган еримда узок қолиб кетдим. Шундан кейингина унинг ўтган бутун вақт давомида бир огиз ҳам гапирмаганини эсладим. Музлар эриб, мен ўз тажрибамни бошқа такрорлай олмадим. Бу менинг илк ишкий саргузаштим эди. Бирок орзум амалга ошиб, кизнинг кирмизи лабларидан илк бўса олганимга қадар орадан талай йиллар ўтди.

Олмон тилидан Мирзаали Акбаров таржимаси